

Уламоларнинг Сурхондарё вилоятида илмий суҳбатлари бўлмоқда



16:00 / 29.07.2021 1122

Юртимиз уламолари томонидан ташкил этилган тарғибот ташрифлари халқимизнинг хурсандчилигига бениҳоя сабаб бўлмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 28 июль куни Шўрчи туманига ташриф буюрган динимиз фидойилари тумандаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда беморлиги бор оилаларга «Вақф» хайрия жамоат фондининг пул маблағлари ҳамда совғаларини топширишди.

Ҳозирда Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ташаббуси билан Сурхондарё вилоятига Тошкент шаҳридан 21 нафар етук уламолардан ташкил топган делегация ташриф буюрган.

Жумладан, Тошкент шаҳри «Хазрати имом» жоме масжиди имом-хатиби Хабибуллоҳ қори домла Абдуразақов, шайх Алижон қори, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ ва бошқа имом домлаларимиз шукроналик, юртимизда диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари,

бемазҳабсизликдан эҳтиёт бўлиш ва бошқа долзарб мавзуларда мавъизалар қилиб бермоқдалар. Ушбу суҳбатлар намозхонларга манзур бўлмоқда.

Суҳбат якунида масжид аҳлининг саволларига жавоб берилиб, Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилинмоқда.

Шунингдек, уламоларимиз Сурхондарё вилоятига ташрифлари давомида чекка ҳудудлардаги аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар қилиш баробарида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан ҳам хабар олмоқдалар.



